
ТАРИХИЙ КУН ЁҲУД ХОНОБОДДА ҚАБРИСТОН УЧУН ЕР АЖРАТИЛДИ

Маълумки вилоятимизда хонадонбай ишлаш бўйича республика ишчи гуруҳи иш олиб борапти. Ишчи гуруҳ аъзолари халқимиз вакиллари билан суҳбатлашиб, муаммоларни ўрганишяпти. Кеча Хонободда бўлган учрашувда Президент администрацияси масъул ходимига оқсоқоллар қабристон масаласида мурожаат қилишганди. 18 мингдан зиёд аҳоли яшовчи қишлоқнинг ягона қабристонига бир неча авлод вакилларига қайта-қайта қўйилавериш, қийинчилик туғдираётганди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат хизмати, аҳоли билан мулоқот ва маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари бўйича маслаҳатчиси Ғофуржон Мирзаев бугун Хонобод қишлоғига ташриф буюрди. Қишлоқ қабристонига нуронийлар вакиллари билан суҳбатлашди. -- Хонободга Президентимизнинг тошириғига асосан қабристонга ер ажратиш мурожаати бўйича келдим,-деди Президент маслаҳатчиси. Ўргандик, қишлоқ қабристонига 900 йиллар бўлибди. Ҳамминг борар жойи шу ер. Бугун бу масалани ҳал қилиб кетамиз. Бир неча ўн йиллардан буён ҳал бўлмаётган муаммо бартараф этилгани учун нуронийлар бу ишга бош бўлган Президентимизни дуо қилдилар. Президент маслаҳатчиси Ғофуржон Мирзаев иштирокида қабристон учун ажратилган „Фар. Қоракўл“ фермер хўжалигининг 389-контуридаги 5 гектарли ерга қозик қоқилди. Маросимда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Авазбек Ўринбоев, туман секторлари раҳбарлари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар. Ёзёвон тумани ҳокимлиги ахборот хизмати.

2023-03-14 14:34:56